

ISSN 0131 – 1832



# harq yulduzi

- NASR
- NAZM
- DRAMATURGIYA
- MUMTOZ ADABIYOT
- YOSHLAR DAFTARI
- JAHON ADABIYOTI
- ESTETIKA
- SAN'AT FALSAFASI
- ADABIYOTSHUNOSLIK
- SAN'ATSHUNOSLIK



5 / 2014

# ШАРҚ ЙОЛДУЗИ

2014

5-сон

Муассис:

## ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

\* Муаллифлар фикри таҳририят фикри деб кабул килинмасин.

Таҳририята юборилган материаллар муаллифларга кайтарилемайди.

\* Обунага монелик кўрсатилса,  
Тошкент – 100000,  
“Амир Темур” тор  
кўчаси, 2. Республика  
“Матбуот тарқатувчи”  
акциядорлик  
компаниясига мурожаат  
килинсин.  
Обуна индекси – 911

### Манзилимиз:

100127, Тошкент шаҳри,  
“Ўзбекистон” кўчаси, 16-a уй.  
Телефонлар:  
227-00-81, 245-22-99, 245-27-87  
[www.sharqyulduzi.uz](http://www.sharqyulduzi.uz)  
e-mail: [sharqyulduzi1931@mail.ru](mailto:sharqyulduzi1931@mail.ru)

Босишига руҳсат этилди  
12.06.2013 ийл.  
Коғоз бичими 70x108 <sup>1/16</sup>.  
Офсет босма усулида тип.  
№ 1-коғозга босилди.  
Босма тобоги 11.  
Шартли босма тобоги 15.4.  
Нашриёт хисоб тобоги 17.2.  
Адади 2475 нусха.  
Буюртма № 214-14

Журнал Ўзбекистон Матбуот ва  
ахборот агентлигига 0562-ракам  
билин рўйхатга олинган.  
Ўқитувчи НМИУ босмахонасида  
чоп этилди.

### Корхона манзили:

Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани,  
Янгишаҳар кўчаси, 1-уй.

Журнал иккى ойда бир марта  
чоп этилади.

### Мусахих:

Дилғузза Маҳмудова

Сахифаловчи-дизайнер:

Хуришид Иброҳимов

Copyright © “Шарқ юлдузи”

<b>МУНДАРИЖА</b>	
<b>ПУБЛИЦИСТИКА</b>	
<b>Ойбарчин Абдулҳакимова. Миллий маънавият кўзгуси. .... 5</b>	
<b>НАСР</b>	
Алишер Мирзо. Каллахоналик йигитча. Роман-эссе. Охири. .... 8	
Жуманазар Бекназар. Қашқа йўрға. Қисса ..... 30	
Адҳамбек Алимбеков. Садоқат ҳақида қисса. .... 30	
Салим Абдураҳмон. Дуранинг қудуғи. Ҳикоя. .... 53	
Отаули. Афанди яшасин! Романдан боблар. .... 66	
Баҳор. Шамол ҳикмати. Ҳикоя. .... 125	
<b>НАЗМ</b>	
Гулчехра Жўюраева. Сени севдим, Ватан, камолим билан. Шеърлар. .... 48	
Ўткир Раҳмат. Умрнинг йўллари. Шеърлар. .... 50	
Икром Отамурод. Доф. Достон. .... 57	
Сироҳиддин Рауф. Ифорлар таратат тонгни найсонлар. Шеърлар. .... 77	
Мунаввара. Ҳаёлдадир менинг билганим. Шеърлар. .... 79	
Жаҳонир Исмоилов. Мавжуддир ўртада узгармас чизик. Шеърлар. .... 102	
Болтабой Бекматов. Шаффоғ тўлқинлар. Туркум. .... 104	
Хилола Исматова. Умидим дийдор. Шеърлар. .... 121	
Умид Али. Эркалайди юракни ҳислар. .... 123	
<b>ЁДДА ҚОЛГАН СИЙМОЛАР</b>	
Латифжон Мансуров. Кавардон мафтуни. .... 81	
<b>БИР ДАРАХТ НОВДАЛАРИ</b>	
Ажиниёз. Суксурлар учар қўлларда. .... 88	
<b>БАРҲАЁТ МЕРОС</b>	
Гегель. Эстетика. Давоми. .... 90	
<b>БАҲС</b>	
“Муаллиф ўлими”га сиз ҳам овоз берасизми? ИброҳимFaфуров, Йўлдош Солижонов, Қурдош Қаҳрамонов. .... 106	
<b>ЖАҲОН АДАБИЁТИ ТАҲЛИЛ КЎЗГУСИДА</b>	
Эркин Мусурмонов. Эртак ва ҳақиқат қоришган адабиёт. .... 129	
<b>МУАЗЗАМ ШАРҚ ҲАЗИНАСИДАН</b>	
Имом Ғаззолий. Кимиёи саодат туркий. Учинчи руҳн. .... 134	
<b>МУШОИРА</b>	
Бинафша рангига чўмилар олам. Шеърлар. .... 147	
<b>АДАБИЁТШУНОСЛИК</b>	
Зилола Шукурова. “Қиссаси Рабгузий” асарида күртқа образи. .... 158	
Дилнавоз Юсупова. Алишер Навоий ва Захирiddин Муҳаммад Бобур: ариз баҳрига муносабат. .... 154	
<b>ЎЗБЕК АДАБИЁТИ ДУНЁ БЎЙЛАБ</b>	
Альфред Курелла. Буюк шоирнинг қайта кашф этилиши. .... 162	
<b>БУЛОҚ КЎЗ ОЧДИ</b>	
Юлдузой Ўрмонова. Манзилга қувонч элтади. Шеърлар. .... 170	
<b>БУ БЎСТОН САҲНИДА</b>	
Фармон Тошев. Синов бирла синоатдур. Ғазаллар. .... 174	
<b>ИФТИХОР</b>	
Умарали Норматов. Захматкаш олимнинг шарафли йўли. .... 175	
<b>УНУТМАС МЕНИ БОГИМ</b>	
Ҳабибулло Саид Ғани. Кечанинг кўзида сурмаранг соғинч. .... 181	
<b>САНЪАТШУНОСЛИК</b>	
Дилмурод Исломов. Мозийдан садо. .... 183	
<b>БОЛАЛАР ДУНЁСИ</b>	
Ҳамза Имонбердиев. Одоб – яхши бола иши. .... 189	
<b>ТАФАККУР МИНТАҚАЛАРИ</b>	
Артур Шопенгаузер. Ҳаёт сабоқлари. .... 191	
<b>ГУЛҚАЙЧИ</b>	
Нарзулло Ботиров. Бир чўмич қимиз. Ҳажвия. .... 204	



1993 йилда  
ўзбек фил  
шакаро ва респуб  
“Тафа  
республ

МИ

Адабиёт – ми  
унда миллатнинг  
Соамлар қалбид  
чи наебатда, ада  
шо мустақиллик  
зътибор кўрсатив  
чун” асаридаги ад  
Асаддаги адаб  
1. Ҳалқ оғзаки  
2. Алишер Нар  
3. Миллий йиғ  
4. Замонавий  
5. Маънавий ж  
Асарнинг “Ма  
ни биринчи боби  
тони миллатимиз  
штапн қаҳрамонли  
Муаллиф дос  
чи наебатда, дос  
сақкат каби эзз  
йилтар достонин  
Булшини ўрганам  
шаш тўйғуси шак  
лари эканимизни  
Бултан достонга  
нисбанинг нақада

**Зилола ШУКУРОВА**

## **“ҚИССАСИ РАБГУЗИЙ” АСАРИДА ҚҰРТҚА ОБРАЗИ**

### **Аннотация**

Мақолада XIII-XIV асрларда кампир образининг жамиятдаги ўрни ва унга бўлган муносабат акс эттирилган. Шунингдек, кампир образи тарихийлик принципига кўра давлатширилиб, “Қиссаси Рабгузий” асарида ҳикоятлар мисолида таҳлил этилган.

### **Аннотация**

В статье определено место, отведенное образу старухи и оценка данного образа обществом XIII-XIV вв. Данный образ классифицируется по историческому принципу и анализируется на материале рассказов “Киссаси Рабгузий”.

### **Annotation**

In this article were described the role of the old woman in a public and her attitude to it in XIII-XIV centuries. Also the character of the old woman was classified as according to historical principles and analyzed by stories in the novel “Kissassi Rabguzi”.

**Таянч сўзлар:** Құртқа, кампир, энага кампир, материархат, патриархат, экзогамик никоҳ.

Халқ оғзаки ижодиёти кўп минг йиллик тарихга эга бўлиб, инсоният пайдо бўлгандан ҳозирги кунга қадар унга ҳамроҳ ҳамророз бўлиб келаётган энг қадимий ижод туриди. Халқ оғзаки ижодида кишиларнинг тасаввур олами, орзу-интилишлари, яшаш тарзи, анвойи хил тимсоллар воситасида тасвирланган. Мана шундай қадимий образлардан бири кампир образи ҳам фольклор асарларининг энг етакчи қаҳрамонларидан бири дир. Бу образ кенг қамровли мураккаб образ бўлганлиги туфайли ёзма адабийтда, хусусан, Носириддин Рабгузий ижодида ҳам кузатилади. Шуни айтиш лозимки, кампир образи ўзбек халқ оғзаки ижодида кўпинча ялмогиз, жодугар, алвости, ажина, сехргар кампир, шум кампир атамаларида, “Қиссаси Рабгузий”да эса құртқа шаклида тилга олинади. “Қиссаси Рабгузий”да келтирилган термин оғзаки ижодда фаоллашмаган бўлиб, бу сўз XIII-XIV асрларда халқ жонли тилида ишлатилган, ҳозирги кунда эса зекириб кампир эквиваленти билан алмашган архаик сўз. Ялмогиз образининг генезиси, хусусияти, бажарадиган вазифаси, бадий қиёфаси ҳақида кўплаб олимлар, хусусан, О.М.Фрейденберг “Мифы и литература древности”, Мелитенский “Поэтика мифа”, И. Дьяконов “Архаические мифы Востока и Запада”, “Фольклор и этнография” асарларида, И.К.Федорованинг “Мотивы и образы волшебной сказки в фольклоре полинезийцев” мақоласида, ўзбек фольклоршуносларида К.Имомов, Б.Саримсоқов, Б.Жуманиёзов, М.Ишмуротов каби олимлар илмий-танқидий фикрлар билдиришган. Биз ҳам юқорида санаб ўтилган олимларнинг фикрига қўшилган ҳолда “Қиссаси Рабгузий” асарида учрайдиган құртқа-кампир образининг бадий қиёфасини қуидати гурухларга бўлиб ўрганишни маъқул кўрдик:

- 1.Материархат даври таъсири сезилган кампир образи.
- 2.Патриархат даври таъсирида яратилган кампир образи.
- 3.Дунёни илмий мушоҳада қилиниши таъсирида яратилган кампир образи.

Инсоният яратилган илк даврларда кишилар оламни ўз дунёқарашича тасаввур қилиши натижасида ҳар бир нарсанинг ҳомий кучи бор, деб ишонишган. Ҳомийларга сифиниш, улардан мадад сўраш, ҳар қандай ишнинг ижобий якун топишида турткি бўлади. Ўша ҳомий куч ҳар қандай балони, оғатни даф қилиш кудратига эга, деб унинг шарафига, ҳаттоқи қурбонликлар келтиришган. Бунда ибтидоий одамлар тасаввурида, энг аввало,

# **БФУЗИЙ" А ОБРАЗИ**

старухи и оценка данных  
рутается по историческим  
саси Рабгузий".

"Kissasi Rabguzi".  
ампуархам, пампуархам

билиб, инсоният пайдо Бүйнгүйн  
ётган энг қадимий ижад түрүнүн  
орзу-интилишлари, яшашынын  
туман хөмий ва ёрдачынын  
на шундай қадимий образ  
етакчи қаҳрамонлардан  
нлиги туфайли ёзма адабиеттеги  
ди. Шуни айтиш лозилек  
кодугар, алвасты, ажына, таңылыш  
“да эса куртқа шактый

н оғзаки ижодда фольклор  
ишлатилгандык, ҳозирги түннен  
к сүз. Ялмоғиз образинин  
ёфаси ҳақида күллаб шалыпты  
евности”, Мелитенский “Полуночник  
запада”, “Фольклор и этнография”,  
шебной сказки в фольклоре  
идан К.Имомов, Б.Саринов  
-танқидий фикрлар бирок  
икрига күшилгандык жөнде “Акын  
нинг бадий қиёфасини түрк мәдениеттеги

деганда, аёллар гавдаланган. Қадимги Полинезия халқларининг оғзаки ижодарида кампир образи осмон ва ернинг Худоси сифатида тасвиirlаниб, ҳайтдан инсонларнинг руҳини нариги дунёга олиб ўтишни назорат қилган.<sup>1</sup> Қадимги Римиз Юнона осмон маъбудаси бўлиб, никоҳ ришталарини боғловчи, аёлларнинг енгиллаштирувчи кучга эга бўлган, деб тасаввур қилинган.<sup>2</sup> “Авесто”да берилита образи ҳам ҳосилдорлик, ёғингарчилик, ҳомиладор аёлларнинг оғирини енгилзгу илоҳа эканлиги ҳақида маълумот бор.<sup>3</sup> Шимолий Австралия афсоналарида даврида қабила бошлиғи аёллар бўлиб, ҳосилдорликни пайдо қилиш, ёмғирини чакириш, шунингдек, уларнинг рангли илонлар билан боғлиқлиги ҳақидаги мавжуд.<sup>4</sup> Аёлларнинг турли кўч ва хусусиятларга эга бўлган илоҳалар, деб ташкиниши турли халқлар оғзаки ижодида кенг тарқалган ҳодиса бўлиб, германлар-этрусларда Уни, грекларда Гера, Шарқий семитларда Асират, хурритларда Хебат, арда Хуба, Баба, шумерларда Пинил каби номларда учрайди.<sup>5</sup> Шунингдек, ўзбек оғирини ижодида ҳам Анбар она, Суст хотин, Чой момо каби образлар бўлиб, улар чакириш, ҳосилдорликни таъминлаш, кут-барака, ернинг унумдорлигини оширувчи, чакириш ҳомий кучлар, деб тасаввур қилинган. Хўш, аёллар мавқеининг мислсиз баландлигига сабаб нима? Нега бу даврда инсонлар тасаввурида ҳомийлар, фақат аёллар тасвирида яратилган? Бунинг сабабини топишда, энг аввало, жакуом сурган турли анъаналар, қонун-қоидалар, урф-одатларга мурожаат қиласиз. Инсонлар жамият бўлиб шаклланётган бир пайтда ибтидоий инсонлар орасида никоҳ тури авж олади. Бунда ўта яқин қариндошлар: ота билан қиз, ака билан она билан ўғил бир-бири билан бемалол никоҳ риштасини боғлаб, икки, ҳаттоқи ономлама қариндошлик алоқасини боғлаб, яқин муносабатда бўлишган. Яъни оиласи бир вақтда ҳам эрига, ҳам ўғлига хотин, ҳам она ўрнида қабул қилинган.<sup>6</sup> Шубирга, аёллар уйда ўтириб болалар тарбияси билан шуғулланишган ҳамда эринговга кетиш олдидан уларни дуо қилиб (ҳаттоқи, магия қилиш қурдатига эга), агар ов бароридан келса бу, албатта, ўша дуо таъсирида бўлганлигига қаттиқ қилинган. Шунинг учун бўлса керак, уларнинг таъсири жамиятда ниҳоятда катта бўлган. Таъсири ўша даврда кишиларнинг қаҳрамони сифатида тасаввур үйғотган ялмоғиз тайдо бўлишига асос бўлади. Ялмоғиз дастлаб фольклор намуналарида ҳомий сифатида ижобий қиёфада тасвиirlанган. Б.Жуманиёзовнинг “Ўзбек халқ эпосида образи” номли диссертациясида “ялмоғиз” атамаси она уруғи даврида “номаъ-сур қиз” деган маънони англатишини айтиб ўтган.<sup>7</sup> Демак, ялмоғиз образи дастлаб таъминловчи, ернинг унумдорлигини оширувчи, ёғингарчиликни, шамолни наботот оламининг ҳомийси ҳамда инсониятнинг кўпайиши, никоҳ ришталарини, ҳамловчи, умуман олганда, яшариш ва янгиланиши таъминловчи зэгулик ва илоҳаси, маъбудаси сифатида бутун дунё халқ оғзаки ижодида кенг тарқалган. Шундай аёлларнинг ижобий хислатларга бой жиҳатлари “Қиссани Рабгузий” асарини обозарни образлар мисолида ҳам яққол кўзга ташланади. Бунда Довуд (а.с.) ҳақидаги зикратга моликдир. Ҳақиқатан ҳам мазкур қисса ахлоқий-таълимий жиҳатдан эъти-бўлиб, биз буни Довуд (а.с.) ва кампир диалоги мисолида кўрамиз: “Аймишлар, яловоч тунла ўзин белгусиз қилиб раъиятлардин сўрар эрдиким, подшоҳ сизинг нетак муюмала қилур?.. Бир кеча андоғ сўзлаюрда Мавло таоло бир фариштани бир куртқа сурати уза. Андин сўради: “Подшоҳингиз нетак турур?” теб. Қуртқа аиди: Довуд (а.с.)га қаттиқ таъсир этди, вижданон қийналди. Шунда у ейдиган луқмасини билан топиш мақсадида Оллоҳ таолодан бирор хунар ўргатишини илтижо сўрайди. Ҳикоятда эпизодик образ сифатида қатнашган кампирнинг бир оғиз сўзи

и этнография. — Л.: Наука. 1984. С.88.

О.М. Мифы и литература древности. — М.: Наука. 1978. С.37, Дьяконов И. Архаические мифы

— М.: Наука, 1990. С.145 .

М. “Авесто”да мифологик катлам. 2002. 98-б.

\* Соколов Е.М. Поэтика мифа. — М.: Наука, 1976. С. 181.

Архаические мифы Востока и Запада. — М.: Наука

<sup>10</sup> См.: Е.М. Поэтика мифа. — М.: Наука. 1976. С.199.

Б. Ўзбек халқ эпосида ялмоғиз образи. 1996. 58-6.

китобхонда унга бўлган илиқ муносабатни уйғотади. Энг мухими, кампир воситасида Довуд (а.с.)га хос ҳалоллик, поклик, тўғрисўзлик, одиллик каби фазилатлар улуғланади. Кампир эса тўғрисўз, оқила аёл сифатида шоҳни эзгулик томон бошлайди, шоҳнинг тўғри йўлни топишида восита бўлиб хизмат қиласди.

Демак, ҳикоятдаги кампир образи бош қаҳрамонга тўғри йўл кўрсатувчи, ёш қарорида событ, қатъиятли образ сифатида кўз ўнгимизда гавдаланади. Унинг айнан шу хусусияти ҳикоятлардаги кампир образи қиёфасида матриархат даври белгиларни сақланганлигини кўрсатади.

Даврлар ўтиши натижасида она уруғи даврини секин-асталик билан ота уруғи эгалтари бошлайди. Бу ҳол оғзаки ижодда ҳам ўз таъсирини кўрсатмай қолмади. Эндиликда да имо ижобий образ сифатида ҳар нарсага қодир ялмоғиз (номаълум жасур қиз) қиёфаси ўзгариб, салбий қиёфадаги ялмоғиз (ямлаб ютадиган оғиз) фольклор асарларининг бош қаҳрамонига айланди. Кампир образининг иккинчи даврий қиёфаси бутун дунё ҳаликлири оғзаки ижод намуналарида ҳам учрайди. Масалан, Австралия оғзаки ижод намуналарида келтирилишича, Мутинга номли жодугар кампир бўлиб, у эътиборсиз қолдирилган ўз болаларни ўғирлаб ямламасдан ютади. Шунингдек, Мутинга кампир маросим пайтида қорнидан ямламай ютган болаларнинг бўлакларини, парчаларини чиқариб, тирилтириб улар воситасида анъанавий маросимини ўтказган.<sup>9</sup> Муринбат ҳалқи афсоналарида жам шунга ўхшаш мотивлар кўзга ташланади. Яъни унга кўра, қадимда ярми аёл, ярми илон кўринишидаги Кукпи номли аёл бўлиб, у қорни очганда эркак кишиларни ўғирлаб, жодулаб ейди.<sup>10</sup> Бу давр таъсирида яратилган оғзаки ва ёзма адабиёт намуналари ҳозирки кунга қадар турли эртак ва афсоналар шаклида сақланниб қолган.

“Қиссаси Рабғузий” асаридағи қуйидаги ҳикоятда ҳам юқорида айтилган фикр ифадаси мавжуд. Юсуф (а.с.) кул сифатида Мисрга келтирилгач, Азизи Мисрнинг хотини Зулайҳо уни кўриб севиб қолади ва Юсуф (а.с.)ни сотиб олиб, ундан коми дил ҳосил қилмоқчи бўлади. Бироқ бу ниятига ҳадеганди ета олмагач, энага кампирига дардини айтади. Энага кампир Зулайҳога она каби меҳрибон, жонкуяр, шу билан бирга, ўта айёр ша тадбиркор аёл. Унинг бу хусусияти ялмоғизнинг такомил варианти ҳисобланган, ҳуқиқон табақага хизмат қилувчи мастан образи қиёфасини эслатади. Буни биз куртқанинг Зулайҳога берган маслаҳатида кўрамиз: “Эй Зулайҳо, манга телим мол бергил. Ул менинни харж қилайин, бўлғайким тилакинга теггайсен”,<sup>11</sup> деб уй қуриб, унинг ичидаги Юсуф ша Зулайҳонинг расмини турли ҳолатда чиздириб, уйни қимматбаҳо тошлар билан безайсан. Энага гарчанд Зулайҳонинг дардига “даво” топган бўлса-да, унинг бу иши Зулайҳонинг эри Азизи Мисрга қилган дастлабки хиёнати, деб баҳоланади. Ёзувчи бу ҳолатда энага кампирига бўлган салбий муносабатини ҳалқ орасида кенг тарқалган “Ёт куртқани зева гузмак керакмас. Агар қаю эвга кирса, бузмай чиқмас”<sup>12</sup> ҳикматли сўзи билан ифодади. Юқорида келтирилган ҳикматли сўзнинг шуниси характерлики, “унда ташки қиёфаси бериш билан бирга, шу қиёфага мос ҳолда характер хусусиятлари ҳам қўшилган. Бундай тасвир мастаннинг келажакда қиладиган ёвуз ишларидан хабар беради. Бу нароғ фольклор асарлари учун характерлидир”.<sup>13</sup> Ижодкор юқорида берилган таътиф билан чекланмайди. Энага кампирига хос ёвуз ишларни янада бўрттириб, ёрқинроқ чиқариш учун салбий буёқ билан йўғирлган лирик шеър келтиради:

Эрнинг балоси ики олам балоси – куртқа,  
Куртқа қариб ўлурса, солғил этини куртқа.  
Ёт куртқани эвингда кўрсанг бошини кесгил,  
Куйдур бошини ўтқа, совур кулини қортқа.  
Куртқа неча қарисун, тоат қилиб арисун,  
Эв бузғали топунса, боқмас ўнгига ортқа.  
Куртқа бузар минг ишни, қайра тузар тиласа,  
Анинг тегар балоси барча муғулға, сортқа.<sup>14</sup>  
Шеърдаги қуртқа сўзи омоним бўлиб, биринчи мисрада қари кампир,

мисрада бўри бўлган тажниб образнинг ногони кўринадики, и разининг шак муаммоларни функциясига эслатади ва аятда разолат,

Инсон онги лар тасаввурни асосланган оразининг бади қандай ишда моён бўладилсида яшовчи, баъзан эса о. деярли фарқ Миср шохини Миср юртига буоради. Бир маҳфий айғон келиб бир ка зилигини бил тақлиф этади туинган шоҳ ўлдиришни б подшоҳи кел бутун юрт аҳоли боҳабар этади олган. Дастла булиши уни сағанча бегуно гуноҳга йўл қўйи раз дея баҳо. каб образ бўйи

Хулоса қи образлар сиро раз ёзувчини сусияти, феда оғзаки ижади қурсатишда жаат қилиши яқинлаштиргачаректар-хус

<sup>9</sup> Мелитенский Е.М. Пoэтика мифа. – M.: Наука.1976. С.219.

<sup>10</sup> Ўша асар. С 243.

<sup>11</sup> Носирiddин Рабғузий. Қиссаси Рабғузий. – Т.: Ёзувчи. 1990, 1-к, 121-бет.

<sup>12</sup> Ўша асар.

<sup>13</sup> Саримсоков. Б. Сажъ ва унинг ўзбек фольклорида тутган ўрни. – Т.: 1973, 138-б.

<sup>14</sup> Носирiddин Рабғузий. Қиссаси Рабғузий. – Т.: Ёзувчи. 1990, 1-к, 122-бет.

1. Носири
2. Фрейде
3. Мелитен
4. Дъякон
5. Фольклор

асрада бўри, учинчи мисрада кўк (осмон) маъносида ишлатилган. Туюқ жанрига хос глан тажнис сўзларнинг ишлатилиши шеърнинг бадиийлигини кучайтириб, салбий азмнинг нопок ишларини бўрттириб, ёрқин тасвирларда акс эттирган. Ҳикоятдан надики, ижодкор қиссада пайғамбарлар фаолияти воситасида куртқа-кампир обознинг шакл-шамойили, жамиятда тутган ўрни, бош қаҳрамонга муносабати каби заммоларни очиб беришни бош планга кўяди. Қиссадаги кампир образи бадиий инсиясига кўра, ялмоғизнинг кейинги вакиллари ҳисобланган маston кампирларни атади ва асарда инсонларни йўлдан урувчи, уни тўғри йўлдан адаштирувчи, жами-за разолат, қабоҳат уруғини сочувчи шахс сифатида тасвирланади.

Инсон онги шаклланиб, дунёни илмий билишга бўлган эҳтиёжи ортган сайн одам тасаввуридаги ғайритабиий образлар хиралашиб, унинг ўрнида реал ҳаётийликка яхшиланган образлар эгаллай бошлади. Таснифимиздаги учинчи турда кампир обозининг бадиий қиёфаси ўзгарарад<sup>14</sup>. Бу тур ҳикоятларда кампирлар на ҳомий, на ҳар дай ишда ёмонлик, разолат, қабоҳат уруғини сочувчи ёвуз жодугар қиёфасида наён бўладилар, аксинча барча инсонлар билан бир хил феъл-атворга эга, улар ораса яшовчи, баъзан гуноҳ қилиб афсус чекувчи, баъзан зулм кўриб пинҳон йигловчи, зсан эса олдига қўйган максади йўлида ҳеч нарсадан қайтмайдиган инсонлардан яроли фарқ қилмайдиган мураккаб образ сифатида гавдаланади. Бу турга қиссадаги Миср шоҳининг заҳарланиши ҳақидаги ҳикоятни киритиш мумкин. Унга кўра Рум шоҳи Миср юртига элчи юбориб, унга хирож тўлашини ҳамда номига пул зарб қилишини буоради. Бироқ Миср шоҳи бу таклифни қатъий рад этади. Шунда Рум шоҳи Мисрга ёкий айғоқчи юбориб, шоҳни ўлдирадиган одам топишни буоради. Айғоқчи Мисрга яхшиб бир кампирникида меҳмон бўлади. Суҳбат асносида кампир подшоҳдан норо-лигини билдиргач, айғоқчи унга беҳисоб мол-давлат эвазига подшоҳни ўлдиришни яхлиф этади. Кампир бу таклифга бажону дил рози бўлади ва ўзи билан она-бона тинган шоҳининг нонвой ҳамда шаробчисини ҳузурига чақиририб, уларга подшоҳни ўлдиришни буоради. Бироз вақт ўтгандан сўнг кампир агар шоҳ ўлса, ўзга давлат шоҳи келиб барчани қиличдан ўтказишини, шаҳарда хунрезликлар кучайишини, зтун юрт аҳли хонавайрон бўлишини кўз ўнгига келтириб, бўлган воқеадан шоҳни яхабар этади.<sup>15</sup> Эътибор қилинса, кампир мураккаб образ сифатида қиссадан ўрин ўтган. Дастрраб кампирнинг подшоҳга бўлган шахсий хусумати туфайли қасд олмоқчи яхши уни салбий персонаж сифатида танитса, шоҳининг ўлими туфайли қанчадан-ча бегуноҳ инсонларнинг қони тўклиши мумкинлиги ҳақида ўйлари, нақадар оғир яхноҳга йўл қўйганлигини фаҳмлаб тезда гуноҳини ювишга ҳаракат қилиши ижобий обзар дея баҳолашимизга асос беради. Демак, юқорида таҳлил қилинган кампир мураккаб образ бўлиб, бажарадиган вазифасига кўра инсон табиатига якин туради.

Хулоса қилиб айтганда, "Қиссаси Рабғузий" асарида кампир образи фаол учроччи образлар сирасига киради. Оғзаки ижод намуналаридан ёзма адабиётга күчган бу об- ёзувчининг олдига қўйган мақсадини ёритишда, бош қаҳрамоннинг ўзига хос ху- сияти, феъл-атвори, пайғамбар сифатидаги белгиларини аниқлашда, XIII-XIV аср- а оғзаки ижод намуналарида кампир образига муносабат қай даражада эканлигини сиратишида ва илмий хулоса чиқаришда ёрдам беради. Ёзувчининг бу образга муро- жаат қилиши қиссанинг эмоционал бўёйдорлигини ошириб, ҳикоятларни эртакларга ингаштирган. Айниқса, қуртқа образининг бадиий қиёфаси, унинг бажарган ишлари, характер-хусусиятлари мисолида бош қаҳрамон комиллик даражасида тарбияланади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Носириддин Рабғузий. Қиссаси Рабғузий. – Т.: Ёзувчи. 1990.
  2. Фрейденберг. О.М. Мифы и литература древности. – М.: Наука. 1978.
  3. Мелитенский Е.М. Поэтика мифа. – М.: Наука. 1976.
  4. Дьяконов И. Архаические мифы Востока и Запада. – М.: Наука. 1990.
  5. Фольклор и этнография. – Л.: Наука. 1984.